ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

АБДУХАКИМОВ МУРОДУЛЛО ТОГАЕВИЧ

ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УЎК: 347.963:349.4(575.1)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Абдухакимов Муродулло Тогаевич
Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий ва амалий муаммолари.....5

Абдухакимов Муродулло Тогаевич
Теоретические и практические проблемы прокурорского надзора за исполнением законодательства о земле..... 35

Abduxakimov Murodullo Togayevich
Theoretical and practical issues of prosecutorial supervision over the implementation of land legislation…….. 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 75

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

АБДУХАКИМОВ МУРОДУЛЛО ТОГАЕВИЧ

ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Yu291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** юридик фанлар доктори, профессор
	Махмудов Алишер Абдусалимович юридик фанлар доктори, профессор в.б.
	Сафаров Жахонгир Исмоилбекович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 25 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (105-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 13 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 13 ноябрь 24-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Кучкаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

А.С.Одинаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ер ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, бу соҳада қонун устуворлигига эришиш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга молик вазифа сифатида қаралмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD-FAO) 2025-2034-йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги истиқболлари ҳисоботида қайд этилишича, жами қишлоқ хўжалиги ерлари дунёдаги умумий ер майдонининг тахминан 35-37 фоизини ташкил этади, аҳолининг ўсиши сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган экин майдони глобал миқёсда тахминан 0.19 гектаргача камайган, шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ деградацияси, шўрланиш ва сувсизлик асосий муаммо саналиб, ер ва сув ресурсларини тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш орқали қайта тиклашга эътибор қаратишни талаб қилмоқда[1].

Жаҳонда ерларни асраб-авайлаш, улардан ўзбошимчалик билан ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг туб сабабларни аниқлаш, ердан фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси доирасида ўтказилган COP-16 конференциясида давлатлар томонидан 2030 йилга бориб ерларнинг деградациялашувига барҳам бериш, жумладан 1,5 млрд гектар ерни қайта тиклаш мақсади белгилаб олинди[2]. Шунга кўра, ер соҳасидаги қонунлар ижросини тўлиқ ва сифатли таъминлаш, бу соҳада қонунбузарликларни олдини олиш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш борасида давлат органларининг фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда бундай ерларда ноқонуний қурилмалар қуришнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этмоқда[3]. Хусусан, расмий маълумотларга кўра, республикамизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган

---

[1] https://www.oecd.org/en/publications/oecd-fao-agricultural-outlook-2025-2034_601276cd-en.html/.

[2] https://www.weforum.org/stories/nature-and-biodiversity/tackling-land-degradation-business-priority.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 сентябрдаги “Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-287-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.09.2025 й., 07/25/287/0844-сон. https://www.lex.uz/uz/docs/7733438

ерлар 25 млн. 880,3 минг гектар (*умумий ер фондининг 57,65 %*), ўрмон фонди ерлари 10 млн. 960,4 минг гектар (24,41%), табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар 4 млн. 267,7 минг гектар (9,51 %), сув фонди ерлари 1 млн. 157,1 минг гектар (2,58 %), саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 827,8 минг гектар (1,84 %), аҳоли пунктлари ерлари 216,7 минг гектар (0,48 %), тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар 34,5 минг гектар (0,08 %) ҳамда захира ерлар 1 млн. 547,8 минг гектар (3,45 %)ни ташкил этади[1]. Айни пайтда Ўзбекистон аҳолисининг 38 млн. нафардан ошганлиги инобатга олинса, ер ресурслари мамлакатимиз ва халқимиз учун нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигига амин бўламиз. Шунингдек, ердан фойдаланишдаги масъулиятсизлик ва қонунбузарликлар оқибатида бундай ерларнинг йилдан йилга камайиб бораётганлиги ушбу соҳада қонунийликни таъминлашга масъул бўлган прокуратура органларидан соҳада назоратни янада кучайтириш билан бир қаторда, юзага келаётган тизимли муаммоларга илмий асосланган ечимлар ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998), Фуқаролик кодекси (1995, 1996), Шаҳарсозлик кодекси (2021), Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2026) Фармони, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2021), “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022), “Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025) қарорлари, шунингдек мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” ҳақидаги устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат масалаларига

[1] Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ер ҳисоботи ҳақидаги маълумотлар (2026 йил 1 январь ҳолатига) тўплами // https://api-portal.gov.uz/uploads/184/2026/06/02/

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: https://www.eea.europa.eu/en/topics/in-depth/land., https://www.sciencedirect.com., https://www.utwente.nl/en/itc/, https://www.en.aau.dk/, https://law.ufl.edu/academics/degree-programs/master-of-studies-in-law-program,

доир илмий тадқиқотлар етакчи хорижий илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан Netherlands Land Academy, University of Twente, Faculty ITC (Нидерландия), Aalborg University (Дания), Florida State University College of Law (АҚШ), Harvard Law School - Environmental Law Program (АҚШ), Lincoln Institute Center for Urban Development and Land Policy (Хитой), Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Саратов давлат ҳуқуқ академияси (Россия Федерацияси) кабилар томонидан олиб борилмоқда.

Хусусан, ер бошқаруви, ерга бўлган ҳуқуқлар, ерга оид низоларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, ердан фойдаланишда ижтимоий адолатни таъминлаш, ерга оид геоахборот тизимларини такомиллаштириш, ер реестрларини юритишни замонавий шаклларини жорий этиш (Netherlands Land Academy, University of Twente, Faculty ITC), ер муносабатларида назорат қилувчи органлар фаолиятини режалаштириш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи сифатида ер ресурсларини бошқариш, ерни рўйхатдан ўтказиш, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатларини соддалаштириш (Aalborg University), ердан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан маҳаллий ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш (Florida State University College of Law, Harvard Law School - Environmental Law Program), шаҳарсозлик қоидаларини ишлаб чиқиш, ер сиёсатида давлат бошқарувини такомиллаштириш, ер солиғи, ерларни муҳофаза қилишда барқарор ривожланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва экологик сиёсатни амалга оширишда давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилишга масъул органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш (Lincoln Institute Center for Urban Development and Land Policy), ердан фойдаланишда прокурор назорати самарадорлигини ошириш (Россия Бош прокуратураси академияси), ер муносабатлари соҳасида прокурор назорати, ер участкаларини ажратиш, ердан фойдаланишда маҳаллий давлат органлари қарорларининг қонунийлигини ўрганиш (Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси) каби масалалар ушбу тадқиқотларнинг асосий мавзулари ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар (Хитой, Италия, Греция, Франция, Украина) олий таълим муассасаларида ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг назарий ва амалий муаммолари, жумладан ерларни режалаштириш ва қонунчилик тизимлари таҳлил қилиниб, ер фойдаланиш ва режалаштириш бўйича қонунчилик кўплаб давлатларда моделлар жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини, умумий жиҳатдан назорат-мониторинг, режалаштириш ҳуқуқи, эркин мулк ҳуқуқлари ва атроф-муҳит талаблари билан уйғунлашганлиги таъкидланиб, соҳага оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан прокурор назоратини самарали ташкил қилиш борасида илмий ва назарий изланишлар муҳим ўрин тутса-да, бироқ ушбу соҳа илмий жиҳатдан комплекс тадқиқ қилинмаган, ҳозирги замон

https://www.lincolninst.edu., https://academy-rep.kz/uploads/1285-b370969d25feff682eb830cac6880366.pdf, https://www.mdpi.com/2073-445X/14/6/1261.

ривожланиш тенденциялари ва талаблари асосида бугунги кунга қадар махсус тадқиқ этилмаган.

Мамлакатимизда Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, З.С.Ибрагимов, А.Б.Комилов, А.А.Махмудов, Т.А.Умаров, И.А.Жўраев, Ф.Р.Самиғжонов, Ш.Ж.Рахимов, У.А.Ахунов ва К.К.Мардоновларнинг тадқиқот ишларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, прокурор назоратини ташкил қилиш, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш ва прокуратура фаолиятининг асосий вазифа ва принциплари ҳамда жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг ролини оширишга доир масалалар ёритилган[1].

Шунингдек, ер қонунчилигини такомиллаштириш ва ушбу соҳанинг экология-ҳуқуқий жиҳатлари кўзга кўринган миллий ҳуқуқшунос олимлар Й.О.Жўраев, А.Н.Нигматов, М.Б.Усмонов, Н.К.Скрипников, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, О.Х.Нарзуллаев, Б.Х.Калонов, У.Т.Аюбов, Х.Р.Исанов, Р.А.Икромов, Х.Ш.Хайитов, Ш.Нарбаев, А.Нурназаров ва У.Сайдахмедовларнинг илмий ишларида маълум даражада тадқиқ этилган[2]. Ушбу олимлар томонидан ер, экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг умумий асослари, ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳияти, ердан фойдаланувчилар, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига оид масалалар ўрганилган.

Бундан ташқари, МДҲга аъзо давлатларда ер тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг айрим жиҳатлари Т.В.Ашиткова, М.Е.Щебленков, М.А.Назина, С.Г.Еремин, Г.М.Кадырова, А.И.Галкин, Ю.О.Карпышева, Н.Н.Аверьянова, С.А.Чаркин, В.П.Камишанский, А.П.Анисимов, О.В.Калугина, В.В.Игошин, В.Г.Бессарабов, Н.В.Субанова, А.А.Мудрик, Д.Е.Патлаев, Р.Н.Пирова, Н.Р.Янбухтин, Т.И.Отческая, А.П.Ушакова, Т.А.Бурняшева, Е.Н.Иванова, А.Ю.Винокуров, А.Ю.Гармаев, С.И.Коряченцова ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган[3].

Хорижий олимлардан М.Давид, М.Шер, Э.Остром, Н.Леско, Ж.Маккензе, Б.Макфарлейн, М.Диксон, Е.Кук ва бошқа олимлар ер ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жараёни билан боғлиқ ўз илмий қарашларини баён қилиб ўтишган[4].

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг илмий-назарий ва амалий муаммоларига оид тадқиқот режасига (2023-2026 йй.) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг илмий-назарий ва амалий муаммоларига оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[2] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[3] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[4] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерларидан фойдаланишнинг умумий талаблари назарий ва амалий ёндашувларни ўрганиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий таҳлил қилиш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишга оид илғор хорижий тажриба ва уни миллий қонунчиликка жорий этиш масалаларини илмий-амалий тадқиқ қилиш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг амалий муаммоларини таҳлил қилиш;

ер муносабатларини тартибга солишга ваколатли давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

ер ажратиш ва ерга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишдаги ҳуқуқбузарликлар, уларни олдини олишда прокурор назорати самарадорлигини оширишга оид хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг афзалликларини тадқиқ этиш;

ер муносабатлари билан боғлиқ низоларни маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик судларида, судларда ерга оид жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини ташкил этиш ва таъминлашнинг амалий-назарий муаммоларини аниқлаш ҳамда асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

алоҳида ер тоифаси сифатида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишида прокурор назоратини амалга оширишнинг назарий ва амалий муаммоларини илмий-амалий таҳлил қилиш ва асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳоли пунктларининг ҳамда саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш орқали илмий хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ўрмон, сув фонди ва захира ерларидан фойдаланишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг хусусиятларини ёритишдан иборат.

Тадқиқот объекти ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий ва амалий муаммолари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий ва амалий муаммоларини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус ваколатли давлат органлари томонидан ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, бино ва иншоотлар қуриш ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларга тегишли чоралар кўришга оид вазифа ва функциялари фақатгина “E-YER NAZORAT” тизими орқали амалга оширилиши, космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали аниқланган ерга оид қонунбузарлик эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлар бўйича маълумотлар “E-YER NAZORAT” тизимига юборилиши, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча аэрокосмик мониторинг ўтказилиши, аэрокосмик мониторингни амалга ошириш учун зарур маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда “Ўзбеккосмос” агентлигига беғараз тақдим этилиши лозимлиги асослантирилган;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш объектларини жойлаштиришни (қуришни) назарда тутувчи ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланиши, ер тузиш лойиҳаларига ўзгартиришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилиши, бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш объектларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши зарурлиги илмий-амалий асослантирилган;

ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари жорий этилиши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турларига аниқлик киритилиши ва ушбу ерларда рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган объектлар жойлаштирилиши, ер участкаларини олганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда ҳуқуқ бекор қилиниши асослаб берилган;

халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаларини ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситаларини, савдо-кўнгилочар марказларини мастер-режа асосида жойлаштириш бўйича бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ер тоифасини бошқа тоифага ўзгартириш учун асос бўлиши асослантирилган;

ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ҳал этилиши ҳамда ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда, унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишига нотариал тасдиқланган ариза асос бўлиши лозимлиги асослаб берилган;

прокурор давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда ёки прокурорнинг даъво аризаси асосида қўзғатилган ишларда иштирок этиши мумкинлиги, бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишлар муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги илмий асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августдаги “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ЎРҚ-937-сонли ҳамда 2022 йил 28 ноябрдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги ЎРҚ-803-сонли қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзбошимчалик билан қурилаётган бино ва иншоотларнинг қурилиш ишларини тўхтатиб туриш бўйича маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколатини кенгайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш ва ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси тайёрланган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги 261-сонли буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси тайёрланган;

ер муносабатларини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўналишларидан бири сифатида Ер ресурслари ва кадастри вазирлигини ташкил этиш таклифи илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ва унинг ҳудудий

бўлимларига жиноят ишлари бўйича судларда ерга оид жиноят ишлари кўрилишида иштирок этиб, давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ваколатларини бериш зарурлиги ҳақидаги таклиф амалий исботланган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида ер муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ихтисослашган “ProLand-Nazorat” ягона рақамли аналитик платформасини яратиш таклифи илгари сурилган;

Ер кодексини “Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” деб номланган 83²-модда билан тўлдириш, унда прокуратура органлари ер участкаларини ажратиш, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш каби соҳаларда қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириши ҳақидаги қоидаларни киритиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибасини ўрганиш асосида ҳамда социологик тадқиқотлар, тадқиқот доирасида анкета сўровномаси натижалари, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳамда олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, эришилган натижалар етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, тайёрланган таклифлар эса амалиётга жорий қилинганлиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Шунингдек, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ўтказилган 300 та текшириш ва таҳлил материаллари, уларда қўлланилган 4.012 та прокурор назорати ҳужжатлари ҳамда 95 та суд қарорлари ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Бундан ташқари, 4.500 дан ортиқ прокуратура органлари ходимлари ҳамда 5.000 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги, кадастр ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ходимлари иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик устидан назоратни такомиллаштириш, ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ҳамда янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникум ва коллежларда “Прокурор назорати”, “Ер ҳуқуқи”, “Экология ҳуқуқи” модулларининг маъруза ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

махсус ваколатли давлат органлари томонидан ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, бино ва иншоотлар қуриш ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларга тегишли чоралар кўришга оид вазифа ва функциялари фақатгина “E-YER NAZORAT” тизими орқали амалга оширилиши, космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали аниқланган ерга оид қонунбузарлик эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлар бўйича маълумотлар “E-YER NAZORAT” тизимига юборилиши, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча аэрокосмик мониторинг ўтказилиши, аэрокосмик мониторингни амалга ошириш учун зарур маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда “Ўзбеккосмос” агентлигига беғараз тақдим этилиши лозимлиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 сентябрдаги “Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-287-сонли Қарори ишлаб чиқилишида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2025 йил 30 сентябрдаги 01/01-42-сонли, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 10 октябрдаги 21-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг фақатгина “E-YER NAZORAT” ахборот тизимида рўйхатга олиниши, ерга оид қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашда космик маълумотлардан кенг фойдаланиш ҳамда ерга оид қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаб, қатъий чоралар кўрилишини таъминлашга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш объектларини жойлаштиришни (қуришни) назарда тутувчи ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланиши, ер тузиш лойиҳаларига ўзгартиришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилиши, бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш объектларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши зарурлиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 13-моддасига ҳамда “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-728-сонли Қонунининг 11-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг 2025 йил 25 ноябрдаги 01/10-10-05/529-сонли далолатномаси*) фойдаланилган. Мазкур таклифларнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги ва

ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳамда доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида илгари берилган ер участкаларини хусусийлаштириш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилган;

ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари жорий этилиши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турларига аниқлик киритилиши ва ушбу ерларда рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган объектлар жойлаштирилиши, ер участкаларини олганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда ҳуқуқ бекор қилинишига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2025 йил 10 декабрдаги 04/1-090-140-сонли далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турларига аниқлик киритилишига ҳамда ер участкаларини олганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланишига хизмат қилган.

халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаларини ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситаларини, савдо-кўнгилочар марказларини мастер-режа асосида жойлаштириш бўйича бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ер тоифасини бошқа тоифага ўзгартириш учун асос бўлиши ҳақидаги таклифлардан 2026 йил 17 мартдаги ЎРҚ-1122-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 9-моддасига қўшимчалар киритилишида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2026 йил 8 апрелдаги 04/9-08/5-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйидаги ер тоифаларидан фойдаланишдаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилган;

ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ҳал этилиши ҳамда ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда, унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишига нотариал тасдиқланган ариза асос бўлиши лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ер кодексининг 36-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 7 январдаги 17-сонли далолатномаси*). Мазкур ўзгартиришларнинг киритилиши, ердан фойдаланиш ёки унга эгалик қилиш

ҳуқуқининг тугатилиши билан боғлиқ амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф қилинишига хизмат қилган;

прокурор давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда ёки прокурорнинг даъво аризаси асосида қўзғатилган ишларда иштирок этиши мумкинлиги, бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишлар муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил 9 апрелдаги 08/123-26-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши прокурорларнинг фуқаролик ишлар кўрилишида иштироки ва тегишли қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ ваколатларини қонун билан аниқлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та (5 та халқаро ва 4 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 19 та илмий мақола, шундан 16 та миллий ва 3 та хорижий журналларда, конференцияларда 9 та, шундан 5 та халқаро, 4 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 238 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг “**Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий ва ҳуқуқий асослари**” номли биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг умумий талаблари, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш хусусиятлари, ушбу назорат йўналишига

доир илғор хорижий тажриба ҳамда прокурор назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда ер фондидан фойдаланишнинг умумий талаблари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган бўлиб, ҳар қандай норматив ҳужжат мазкур кодексда белгиланган умумий талабларга мувофиқ бўлиши, зарурат туғилганда эса дастлаб ушбу кодексга ер фондидан фойдаланишнинг умумий талабларига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ва сўнгра бошқа норматив-ҳужжатда ушбу қоидани белгиланиши лозим.

Муаллиф миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг (*Э.Виккери, А.Калхан, Ш.Файзиев, А.Нигматов, Т.Аширкова, М.Щебленков, О.Капинус, Н.Чаплин*) илмий қарашларини ўрганиш асосида ердан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти бу муайян субъектга қонуний асосларда тақдим қилинган ер участкасидир, деган хулосага келади.

Диссертантнинг фикрича, ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ ҳуқуқий институт – бу ерга эгалик қилишдир. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан биргаликда ерга бўлган ҳуқуқларни мустаҳкамловчи ҳуқуқий институт ҳисобланса-да, бироқ ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ердан фойдаланишнинг алоҳида мустақил кўринишларидир. Айни пайтда ердан фойдаланишнинг бу иккала шакли ҳам тартибга солишнинг бирлигини таъминловчи ўзига хос умумий белгиларга эга. Уларга қуйидагилар киради: ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилишнинг хосилавий хусусият касб этиши, таркибига кўра бу ҳуқуқларнинг чекланганлиги, барқарорлиги, ҳақ эвазигалиги ва ер участкаларининг мақсадли фойдаланилиши. Ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш ердан фойдаланиш мақсади, субъектлари, муддатлари, ерга нисбатан бўлган ҳуқуқларнинг таркиби ва хусусияти билан фарқланади.

Тадқиқотчи амалдаги Ер кодексида эгасиз қолган қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги боис, мазкур Кодекснинг 78-моддасидаги захира ерлар тушунчаси билан чалкаштириш ҳолатлари мавжудлиги қайд этади. Амалиётда тадбиркорлик субъектларидан олиб қўйилган қишлоқ хўжалиги ерлари захира ерлар тоифасига кирмаганлиги сабабли ҳисоби юритилмасдан қолмоқда. Хусусан, 2015-2022 йилларда туман ҳокимининг қарорларига асосан захирага олинган 2.445 гектар ер майдонлари ҳокимлик захирасида сақланаётган бўлса-да, ушбу ерлар туман захира ерлари ҳисоботига киритилмаган. Бунинг оқибатида, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатларига йўл қўйилиб, аксарият унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган. Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини “қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қайта тақсимланадиган ерлар” деб номланган янги 58^1-модда билан тўлдиришни таклиф қилади. Бундай ерлар тоифасига қишлоқ хўжалиги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслардан туман (шаҳар) ҳокимлиги ихтиёрига қайтариб олинган вақтинча (қайта танлов ўтказилгунга қадар) фойдаланилмай

турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, диссертантга кўра, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида текширишларни прокуратуранинг иш режаларига киритишда қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиш зарур: 1) прокурор назоратининг ташаббускорлигини ҳисобга олиш, унинг асосий мақсади ҳуқуқбузарликларни олдини олиш саналиши; 2) режалаштирилган тадбирларнинг умуман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллаш; 3) прокурорнинг таҳлилий фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, иш режага киритиши; 4) прокурор томонидан прокуратура иш режасининг бажарилишини таъсминлаш бўйича мажбурият жорий этилиши ва кейинги назоратнинг мавжудлиги.

Прокуратура органларининг иш режасига ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши юзасидан аниқ назорат чора-тадбирларини киритиш учун қуйидагилар асос бўлади: 1) прокурорнинг ахборот-таҳлилий ишлари натижалари, қонунийлик ҳолати; 2) юқори турувчи прокуратура иш режасига қуйи турувчи прокуратуралар учун ҳам бажариши мажбурий бўлган тадбирнинг киритилиши; 3) ҳайъат қарорларида вазифаларнинг белгиланиши; 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати, Олий Мажлиси қўмиталарининг қарорлари, Бош прокурорнинг ташкилий ва маъмурий ҳужжатларининг талаблари ва бошқалар.

Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ерга оид муносабатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни самарали ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳамда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келинган.

Диссертациянинг “**Ерларни муҳофаза қилинишида прокурор назоратини ташкил қилишнинг амалий аҳамияти**” деб номланган иккинчи бобида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг амалий муаммолари таҳлили, ер муносабатларини тартибга солувчи ваколатли органлар тизимини ва уларнинг прокуратура билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари, ер ажратиш ва ерга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишдаги ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олишда прокурор назорати самарадорлигини ошириш ҳамда ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда таҳлил ва баҳолаш улар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни аниқ ва бир хилда бажариш юзасидан амалга ошириладиган фаолият саналиб, бир вақтнинг ўзида давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиб бориш ва уларни қонунчиликда

белгиланган вазифаларга нисбатан қай даражада мувофиқлигини баҳолашни ўз ичига олишини қайд этади.

Ердан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ер ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашни ташкил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик-иқтисодий муносабатларда қонунийликни таъминлашдан иборат. Бошқарув ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маъмурий усуллар орқали амалга оширилади. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар функционал вазифаларнинг аниқлаштирилмаслиги ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларининг мутаносиб бўлмаслиги бу борадаги назорат тадбирларининг самарадорлигини камайтиради.

Диссертантнинг фикрига кўра, давлат ер кадастрини юритиш устидан прокурор назоратининг самарадорлигига ҳуқуқий базанинг мураккаблиги ва қарама-қаршилиги, жавобгарлик чораларининг етарли эмаслиги, ахборот тизимларининг номукаммаллиги ҳамда ўзаро тўлиқ интеграция қилинмаганлиги кабилар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқотчи ер сиёсатини ягона институционал марказ орқали бошқариш самарадорликни сезиларли даражада оширишини, мамлакатимизда ер муносабатларини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўналишларидан бири - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари ва кадастри вазирлигини ташкил этиш, деб ҳисоблайди. Мазкур вазирлик фаолияти ягона давлат ер сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ер ресурсларини комплекс бошқариш, давлат ер кадастрини юритиш ва янгилаш, ер мониторинги ва ер балансини шакллантириш, ер назорати ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш, ер бозорини ривожлантириш, ерга оид рақамли ахборот тизимларини бошқариш, ҳудудий режалаштириш билан интеграцияни таъминлаш, норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби асосий йўналишларни қамраб олиши лозим.

Диссертантнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 83^1-моддасида ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, айнан кимлар махсус ваколатли давлат органлари эканлиги аниқлаштирилмаган. Ерга оид муносабатларда прокурор назоратини амалга оширишда прокуратура органлари махсус ваколатли давлат органларига берилган ваколат доирасида махсус фаолиятни амалга оширадими деган саволларга ўрин қолдирмаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 12-бобини “Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” деб номланган 83^2-модда билан тўлдириш таклиф этилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги 803-сонли Қонунининг 44-моддаси, Вазирлар

Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли Қарори билан тасдиқланган “Бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти”нинг 19-бандига, 2021 йил 22 июндаги 389-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11-бандига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ер муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ихтисослашган “ProLand-Nazorat” ягона рақамли аналитик платформасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, мазкур рақамли аналитик ва сунъий интеллектга асосланган электрон тизим Давлат кадастрлари палатаси, Солиқ қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Космик тадқиқотлар агентлиги, Адлия вазирлиги ва суд органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши лозим. Тизимнинг асосий функциялари: ер участкалари бўйича автоматик ҳуқуқий таҳлил ўтказиш; сунъий йўлдош тасвирлари асосида ноқонуний қурилишларни аниқлаш; ер майдонларининг мақсадли фойдаланилишини автоматик мониторинг қилиш; давлат органлари қарорларининг қонунийлигини электрон текшириш; хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларни рейтинг асосида шакллантириш; прокурорларга автоматик таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш; ҳуқуқбузарликлар динамикасини харита кўринишида акс эттиришдан иборат бўлади. Бундан ташқари, платформа рақамли далилларни электрон тарзда сақлаш, прокурор текширувларининг электрон тарихини юритиш, судларга электрон далилларни юбориш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг статистик таҳлилини амалга ошириш имкониятини ҳам беради.

Диссертациянинг “**Ерга оид низоларнинг судларда кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш масалалари**” деб номланган учинчи бобида ер муносабатлари билан боғлиқ низоларнинг маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ва жиноят судларида кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш муаммолари ва уларни бартараф этиш, прокурор иштирокини ташкил этиш, таъминлаш ва самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Хусусан, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ва жиноят судларида ер билан боғлиқ низолар ва жиноят ишларининг йил сайин ортиб бораётганлиги, бу борада прокурор иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилган ходимлар иш ҳажмининг юқори эканлиги статистик рақамлар асосида таҳлил қилинган, шунингдек мазкур тоифадаги ишларнинг кўрилиш даражаси юқорилигига маҳаллий ҳокимлик органлари томонидан ер муносабатларига оид масалалар юзасидан қарор қабул қилишда қонун талаблари бузилаётганлиги, судлар

томонидан эса бундай ишларни кўришда моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиши ёки процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилиши сабаб бўлаётганлиги, қонунчиликда судларда иқтисодий ишлар кўрилишида прокурорлар давлат манфаатларига оид айнан қандай тоифадаги ишлар кўрилишида иштирок этиши аниқ белгиланмаганлиги суд муҳокамаларида прокурор иштирокини таъминлашда муаммоларни юзага келтираётганлиги алоҳида таъкидланади.

Диссертантнинг фикрича, маъмурий судлар томонидан чиқарилган қарорлар ижросини таъминлашда тизимли камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан,* ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганда ер участкасини олиш қўйишни тартибга солувчи механизм қонун ҳужжатлари назарда тутилмаган; *иккинчидан*, ер участкаларини ажратиш, захирага олиш, фойдаланишга бериш ваколатлари тугатилганидан сўнг, ҳақиқий эмас деб топилиб, давлат захирасига қайтариш билан боғлиқ суд қарорларини ижро қилиш механизми ишлаб чиқилмаган, чунки ер участкаларини давлат захирасига қайтариш билан боғлиқ маъмурий суд қарорларини Мажбурий ижро бюросига юбориш ваколати мавжуд эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарорига асосан, Бош прокуратуранинг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш вазифаси юклатилганлиги, бугунги кунда мазкур бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ҳам олиб борилаётганлигини инобатга олиб, жиноят ишлари бўйича судларда ерга оид маъмурий ва жиноят ишлари кўрилишида юқорида кўрсатилган бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг иштирокини йўлга қўйиш таклифи илгари сурилган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 197^{1}-моддасида ер туридан қатъий назар давлат органларига, жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган ерларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик (буздириш чорасини кўриш, судларга даъво аризалари киритиш) ҳолатини жиноят деб белгилаш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида тўхтамга келади.

Диссертациянинг “**Ер фонди тоифалари бўйича қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг долзарб масалалари**” деб номланган тўртинчи бобида алоҳида ер тоифаси сифатида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг муҳофаза қилинишида прокурор назоратини амалга

оширишга доир муаммолар ва уларнинг ечимлари, аҳоли пунктлари ҳамда саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ўрмон, сув фонди ва захира ерларидан фойдаланишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг хусусиятлари ёритилган.

Диссертантнинг қайд этишича, амалдаги қонунчиликда ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганлигига қарамасдан амалиётда қонунбузарлик ҳолатларига ҳамон барҳам берилмаган. Ушбу мақсадда тадқиқотчи томонидан қуйидагилар таклиф этилади: *биринчидан,* қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бошқа тоифага ўтказишга қатъий чекловлар қўйиш; *иккинчидан,* қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш; *учинчидан,* қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланаётган субъектларни иқтисодий рағбатлантириш; *тўртинчидан,* қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг ер тоифасига тегишли бўлмаган тарзда фойдаланишига олиб келган ҳолатларни рўйхатга олишни аниқ ҳуқуқий тартибини ишлаб чиқиш; *бешинчидан,* ердан ноқонуний фойдаланиш факти мавжудлиги ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун объектив кўрсаткичларга асосланган, илмий жиҳатдан исбот қилинган аниқ мезонларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш; *олтинчидан,* ерлардан ер тоифасига тегишли бўлмаган тарзда ноқонуний фойдаланиш ҳолатларида ноқонуний сотиб юборилган ерларни аниқлаш уларни қайтариш ва етказилган зарарни ундириш тартибини ишлаб чиқиш, маҳаллий давлат органларига бу ҳақидаги мажбуриятни юклаш; *еттинчидан,* қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ер кодексининг 83^1-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси 2024 йил 22 октябдаги ПФ-164-Фармонида кўрсатиб ўтилган назорат органлари амалга оширган назорат тадбирлари (текширишлар) Бизнес-омбудсман томонидан ўрганиб чиқилиб, назорат тадбирлари тадбиркорлик фаолиятини текшириш тартибини бузиш сифатида баҳолаш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-184-сонли Фармони талаблари Ер кодексининг 83^1-моддасида назарда тутилган назорат тадбирларига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳақида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунидан келиб чиққан ҳолда, ўрмон, сув фонди ва захира ерлари, аҳоли пунктлари, саноат ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини тавсифловчи тўртта асосий элемент ажратиб кўрсатилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, илғор хорижий тажриба ва миллий амалиёт асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга ижара ҳуқуқини

хусусий мулк ҳуқуқига трансформация қилиш бўйича эксперимент ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларига узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш зарурати сабабли қишлоқ хўжалиги ер майдонларини хусусийлаштириш долзарб эканлиги ҳақида хулосага келинган.

ХУЛОСА

“Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги диссертация якуни бўйича назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. *Ердан фойдаланиш ҳуқуқи* – ер ресурсларининг фойдали хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар тизимидир.

2. Ўзбекистонда *ер фондидан фойдаланишнинг умумий талаблари* Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган бўлиб, ҳар қандай норматив ҳужжат мазкур Кодексда белгиланган умумий талабларга мувофиқ бўлиши, зарурат пайда бўлганида ер фондидан фойдаланишнинг умумий талабларига оид ўзгартириш ва қўшимчалар дастлаб ушбу Кодексга киритилиши ҳамда бошқа норматив-ҳужжатлар Кодексда белгиланган норма ва қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

3. Дунёда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тартибга солишга нисбатан 3 та ёндашув модели шаклланганлиги ҳақида илмий хулосага келинди. *Биринчи модель* постсовет ва социалистик мамлакатларда амал қилиб, у ерга нисбатан эксклюзив давлат эгалигини мустаҳкамлайди ва ер айланмасини сезиларли даражада чеклайди. *Иккинчи модель* асосан Шарқий Европа мамлакатларида амал қилади, унда ерга бўлган мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини мустаҳкамлаш, ерга эгалик қилувчи хусусий мулкдорларнинг янги синфи пайдо бўлиши қўллаб-қувватланади. *Учинчи модель* – бу “ривожланган мамлакатлар”га (Ғарбий Европа ва бошқалар) хос бўлган кўп асрлик анъаналарга асосланган барқарор конституциявий-ҳуқуқий моделдир.

4. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, илғор хорижий тажриба ва миллий амалиёт асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга ижара ҳуқуқини хусусий мулк ҳуқуқига трансформация қилиш бўйича эксперимент ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларига узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш зарурати сабабли Ўзбекистонда *қишлоқ хўжалиги ер майдонларини хусусийлаштириш* таклиф этилади. Бунда, биринчи навбатда:

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштириш ишларини ташкил этиш, шу жумладан, ижарачилар билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштиришни назарда тутувчи олди-сотди шартномаларини имзолаш;

– хусусийлаштирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланилиши учун шароит яратиш, мулкдорларнинг мустақил фаолият юритиши учун зарур кафолатлар яратиш;

– хусусийлаштирилган ерларнинг мулкдорлари экин турини, агротехник тадбирларнинг турлари ва ўтказиш муддатларини тўлиқ мустақил ҳолда ўзи танлаши, мулкдор ердан фойдаланмаган ҳолларда таъсирчан солиқ солишдан бошқа ҳар қандай йўллар билан мулкдорнинг ердан фойдаланишга доир фаолиятига маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан аралашишга йўл қўйилмаслигига оид қоидаларни белгилаш лозим бўлади (*Тегишли Фармон лойиҳаси диссертациянинг -иловасида келтирилган*).

5. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар функционал вазифаларни аниқлаштирилмаслиги ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларининг мутаносиб бўлмаслиги бу борадаги назорат тадбирларининг самарадорлигини камайтиради. Шунга кўра, Ўзбекистонда ер соҳасидаги ваколатли давлат органлари: 1) умумий ер муносабатларини тартибга солиш ваколати берилган давлат органлари; 2) махсус ер муносабатларини тартибга солишга ва уни назоратини амалга оширишга масъул бўлган давлат органлари; 3) алоҳида ер тоифалари бўйича ер муносабатларини тартибга солиш ваколати берилган давлат органларига таснифлаш таклиф этилди.

6. Давлат ер кадастрини юритиш жараёнида прокурор назоратини амалга оширишда мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг йўналишлари сифатида мавжуд ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва мавжуд коллизион нормаларни бартараф этиш, кадастр ишларини ўтказиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш ва давлат кадастрига киритиш тартибларини тўлиқ рақамлаштириш, коррупцион омилларни барвақт аниқлаш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жазони муқаррарлигини таъминлаш зарурлиги асослантирилди.

7. Маъмурий судлар томонидан ерга оид низолар юзасидан чиқарилган қарорларнинг ижросини таъминлашда юзага келган тизимли камчиликларнинг сабаблари: *биринчидан,* ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганда ер участкасини олиш қўйишни тартибга солувчи механизм қонун ҳужжатлари назарда тутилмаганлиги; *иккинчидан,* ер участкаларини ажратиш, захирага олиш, фойдаланишга бериш ваколатлари тугатилганидан сўнг, ҳақиқий эмас деб топилиб, давлат захирасига қайтариш билан боғлиқ суд қарорларини ижро қилиш механизми ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланади.

8. Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашда прокуратура органларининг соҳавий ваколатларини аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида прокуратура органларининг ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ўзбошимчалик билан ер участкаларини эгаллаб олиш ёки уларнинг чегараларини ўзгартириш, ерлардан мақсадли фойдаланиш соҳасида махсус ваколатларини аниқлаштириш лозимлиги асослантирилди.

II. Миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар:

9. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 7-моддаси қуйидаги мазмундаги 7-қисм билан тўлдирилсин: *“Деҳқон хўжалигини ҳисобга қўйиш ва деҳқон хўжалигини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини назорат қилиш ҳудудга бириктирилган ҳоким ёрдамчиси томонидан амалга оширилади”*;

10. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси қуйидаги мазмундаги 18^1-модда билан тўлдирилсин:

“18^1-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – юридик шахслар савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш, яъни шаҳарсозлик ва тадбиркорлик мақсадларида ер участкаларидан хусусий мулк ҳуқуқи асосида фойдаланишлари мумкин. Юридик шахсларнинг ер участкасига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари якка тартибда қурилган уй-жойлари жойлашган ер участкаларидан хусусий мулк ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Шунингдек, фуқаролар савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яъни шаҳарсозлик ва тадбиркорлик мақсадларида ер участкаларидан хусусий мулк ҳуқуқи асосида фойдаланишлари мумкин”;

11. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 6-қисмига қуйидаги мазмунда ўзгартириш киритилсин:

“Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ, қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади”;

12. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси қуйидаги мазмундаги 36^1-модда билан тўлдирилсин:

“36^1-модда. Қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган ер участкасининг бегоналаштирилиши

Қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсдан бегоналаштирилади. Қуйидаги ер участкалари қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно:

1) фуқаролик муомаласидан чиқарилган ер участкаларининг фуқаролар ва юридик шахслар томонидан эгалик қилинишини тақиқланган ер участкалари;

2) чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки хорижий юридик шахслар томонидан эгалик қилиниши тақиқланган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер участкалари;

3) давлат чегараси ҳудудларида жойлашган ер участкалари”.

13. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси қуйидаги мазмундаги 37^2, 37^3 ва 37^4-моддалар билан тўлдирилсин:

1) “37^2 -модда. Ер участкасини реквизиция қилиш

Табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда ер участкаси фуқаро, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ, мулкдордан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин. Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган ер участкасининг собиқ эгаси реквизиция қилинишидан олдинги белгиланган мақсадида фойдаланишга яроқли бўлган ер участкасини ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган ер участкасини собиқ мулкдорига қайтаришнинг имкони бўлмайдиган бўлса, унга ер участкасининг қиймати тўланади ёки истагига кўра тенг қийматли бошқа ер участкаси тақдим этилади.”

2) “37^3 -модда. Ер участкасини национализация қилиш

Фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли ер участкаларига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи ҳақини тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказилиши (национализация қилиниши) мумкин. Ер участкасининг қиймати тегишли қонун ҳужжатларига биноан мулк ҳуқуқи бекор бўлган пайтда амал қилиб турган шу ёки шунга ўхшаш ер участкасининг баҳоси асосида баҳоланиши белгиланади.

Ер участкасининг эгаси ёки фойдаланувчиси томонидан ер участкасининг национализация қилинши муносабати билан ер эгасига етказилган бошқа зарарларнинг тўланишини талаб қилиниши мумкин. Национализация қилинаётган ер участкасининг қийматини мулкдорга тўлаш баҳосидан норози бўлган тақдирда ер участкасининг эгаси ёки фойдаланувчиси мулкдор судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур ер участкалари кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.”

3) “37^4-модда. Ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш

Ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

халқаро мажбуриятлар;

ер участкасини саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация, тарихий-маданий

эҳтиёжлар учун ажратиш; фойдали қазилмалар конларини (кенг тарқалган фойдали қазилмалардан ташқари) аниқлаш ва қазиб олиш;

йўл, электр тармоқлари, алоқа йўллари, магистрал қувурлар, аҳоли пунктининг умумий фойдаланишдаги муҳандислик-коммунал тармоқларини, шунингдек, давлат аҳамиятидаги бошқа объектларни қуриш;

бузилиши эҳтимоли юқори бўлган, авариявий ҳолатдаги объектларни бузиш;

аҳоли пунктининг бош режасини бажариш".

14. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 38-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"38-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш

Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6-11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли тартибда йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида олдиндан огоҳлантирганидан кейин ёки тегишли маъмурий жазо қўлланилганидан кейин белгиланган муддатда кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни бартараф қилмаган тақдирда ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади.

Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

Ер участкаси эгаси ёки фойдаланувчиси ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида тегишли тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга."

15. Чоравачилик учун ажратилган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилиши таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46^1-моддасининг 2-банди 3-хатбошиси ҳамда 5-хатбошисидаги "камида" сўзларини чиқариб ташлаш таклиф этилди.

16. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-боби қуйидаги мазмундаги 58^1-модда билан тўлдирилсин:

"58^1-модда. Қайта тақсимланадиган қишлоқ хўжалиги ерлари

Қишлоқ хўжалиги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслардан туман (шаҳар) ҳокимлиги ихтиёрига вақтинча қайтариб олинган вақтинча (қайта танлов ўтказилгунга қадар) фойдаланилмай турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қайта тақсимланадиган ерларни ташкил қилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мавжуд ерлари туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки суд томонидан ер ижара шартномаси бекор қилиниб, қайта тақсимланадиган ерлар ҳисобига олинганидан сўнг 3 кун ичида мазкур майдонлар очиқ танловга чиқарилиши шарт.

Агар мазкур майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари экилган бўлса, бундай ҳолатда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан экилган қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиштириб олингунга қадар ушбу ер майдонлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар ҳамда туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ижобий хулосаларига асосан юридик шахсларга туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Қайта танловга қўйилган қайта тақсимланадиган ерларга талабгорлар чиқмаса, бу ҳолатда бундай ер участкалари Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашининг қарори асосида юридик шахсларга берилади ва ушбу қарор ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказишга асос бўлади.

Қайта тақсимланадиган ерларда ёки унинг бир қисмида кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва токзорлар ёки бошқа мулклар бўлган тақдирда ушбу мулклар аукцион савдоларини ўтказиш орқали берилади (реализация қилинади)”;

17. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 12-боби қуйидаги мазмундаги 83²-модда билан тўлдирилсин:

“83²-модда. Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати

Прокуратура органлари ер участкаларини ажратиш, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер участкаларининг тоифасини ўзгартириш, ер участкаларини ижарага бериш, электрон онлайн-аукционлар орқали реализация қилиш ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини қайтариш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор назорати қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда амалга оширилади:

фуқаролар, юридик шахслар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик назорати субъектларининг ер тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳақидаги мурожаатлари ёки хабарлари мавжуд бўлганда;

давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан ер участкаларини ажратиш, ер тоифасини ўзгартириш, ердан фойдаланиш ёки ерни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича қонунга зид ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда;

давлат ер кадастри, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, электрон онлайн-аукцион, қурилишга рухсат бериш,

қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги ва бошқа ахборот тизимларида ер тўғрисидаги қонунчилик бузилишини кўрсатувчи маълумотлар аниқланганда;

қишлоқ хўжалиги ерлари, давлат мулкидаги ерлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, сув фонди ерлари, маданий мерос объектлари жойлашган ерлар ёки аҳоли пунктлари ерлари билан боғлиқ ҳолда давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказиш хавфи мавжуд бўлганда;

ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, ердан мақсадсиз фойдаланиш, ер чегараларини ўзгартириш, қонунга хилоф қурилиш қилиш ёки ерни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатлари аниқланганда."

18. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) модданинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"*91-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш ва ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларда қурилиш ишларини тўхтатиб туриш*";

2) қуйидаги мазмундаги 4-қисм билан тўлдирилсин:

"*Ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларда қурилиш ишларини тўхтатиб туриш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.*

Бунда ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларда қурилиш ишларини тўхтатиб туриш ҳақидаги тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинганидан кейин 3 сутка ичида ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларни бартараф этиш бўйича тўпланган материаллар судга тақдим этилади."

19. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 197^1-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"197^1-модда. Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик

Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

в) суғориладиган ерларни муомаладан чиқишига сабаб бўлган бўлса —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш

ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса, жавобгарликдан озод этилади.”

20. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 270[8]-моддаси 4-бандидаги “ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.” сўзидан кейин қавс ичида “(жиноят иши қўзғатилган ҳолатлар бундан мустасно)” деган жумла билан тўлдириш таклиф этилди.

21. Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “*Деҳқон хўжалиги йил давомида ер участкасида етиштирилган қишлоқ хўжалик экинларининг турлари, ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар сони тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган белгиланган шаклдаги маълумотномани ҳар ярим йилда камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига ҳудудда фаолият кўрсатаётган ҳоким ёрдамчиси орқали тақдим этади.*”

22. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 21[1]-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин: “*ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларда қурилиш ишларини тўхтатиб туриш ҳақида қарорлар қабул қилади. Бунда ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларда қурилиш ишларини тўхтатиб туриш ҳақидаги тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинганидан кейин 3 сутка ичида ўзбошимча қурилаётган бино ва иншоотларни бартараф этиш бўйича тўпланган материаллар судга тақдим этилади.*

ўн еттинчи - ўн тўққизинчи хатбошиларини тегишинча ўн саккизинчи - йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин”;

23. Ўзбекистон Республикаси “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддаси қуйидаги мазмундаги 15-хатбоши билан тўлдирилсин: “*Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратиб берилган ерларда қурилган оғир конструкцияли бино ва иншоотларга, шунингдек белгиланган тартибда ер фонди тоифаси ўзгарган ҳолатлар бундан мустасно*.”

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-184-сонли Фармонининг 4-банди қуйидаги мазмундаги 5-қисм билан тўлдирилсин: “*Ер кодексининг 83[1]-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно*.”;

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сонли қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг:

1) 11-бандига қуйидаги мазмунда: “*Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадлари учун ажратиб берилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қилинган мурожаатлар, шунингдек белгиланган тартибда ер фонди тоифаси ўзгарган ҳолатлар бундан мустасно*”

2) 23-бандига қуйидаги мазмунда: “*Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратиб берилган ерларда қурилган оғир конструкцияли бино-иншоотларга кадастр йиғма жилдини шакллантириш тақиқланади, шунингдек белгиланган тартибда ер фонди тоифаси ўзгарган ҳолатлар бундан мустасно*” қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 36-сонли қарорининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“*Суғориладиган ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, ушбу ер участкасида қурилиш ишлари амалга оширилмаган ҳолда ўзга шахсга сотилса, унинг қилмиши тегишинча Жиноят кодексининг 229[6]-моддаси назарда тутилган жиноят сифатида квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.*

Агар фирибгарлик жинояти ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда содир этилган бўлса, унинг қилмиши тегишинча Жиноят кодексининг 228 ва 229[6]-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмоғи керак.

Бундай ҳолатларда ер майдонига қурилиш қилган шахснинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 229[1]-моддасида назарда тутилган жиноятдан бошқа ҳолатлар аниқланмаган тақдирда, жиноят ишининг унга оид қисми Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 3-қисми билан тугатилиши лозим. Бунда қурилиш ишларини амалга оширган шахс томонидан мазкур ер майдонини суғориладиган ер участкаси эканлиги билган ҳолатлар мустасно”.

27. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги 261-сонли буйруғи 1-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси тўғрисида”ги низомнинг 9-банди 1-қисми қуйидаги мазмундаги 9-хатбоши билан тўлдирилсин: “*судларда ер муносабатларига оид жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш ва давлат айбловини қувватлаш*.

III. Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулоса ва тавсиялар:

28. Ривожланган давлатларнинг (*Туркия, Жанубий Корея, Нидерландия*) илғор тажрибаси ва ер муносабатларини бошқаришда юзага келган институционал фрагментация муаммосини бартараф этиш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги негизида ер ресурслари ва кадастр соҳасига жавобгар ҳисобланган *Ер ресурслари ва кадастри вазирлигини ташкил этиш* таклиф этилди. Мазкур вазирликнинг асосий йўналишлари этиб: ягона давлат ер сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ер ресурсларини комплекс бошқариш ва муҳофаза қилиш; давлат ер кадастрини юритиш ва янгилаш; ер мониторинги ва ер балансини шакллантириш; давлат ер назоратини амалга ошириш; ер бозорини ривожлантириш, ерга оид рақамли ахборот тизимларини бошқариш кабилар белгиланиши лозим. Вазирликнинг ташкил этилиши келгусида мамлакатимизда ер муносабатлари соҳасида юзага келган қатор тизимли муаммолар, жумладан институционал фрагментация, ер балансини юритишдаги номувофиқликлар, ягона ер сиёсатининг етарли даражада шаклланмаганлиги, функционал такрорланишнинг бартараф қилинишига хизмат қилади. Шунингдек, соҳада ягона бошқарув маркази шаклланади, ерга оид барча маълумотлар ягона ахборот тизимида жамланиб, статистик ва аналитик аниқлик ошади, ер назорати ва мониторинг жараёнларининг самарадорлиги ортади, қонунбузарликлар салмоғи камаяди, фуқаролар ҳамда тадбиркорлар учун бюрократик юклама камаяди ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича стратегик режалаштириш яхшиланади ва пировардида иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади.

29. Тадқиқот мобайнида амалиётда кадастр ходимлари ва фуқаролар томонидан экин ер майдонларига ноқонуний кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб бериш йўли билан *ерларни талон-торож қилиш бўйича олдиндан режалаштирилган 3 босқичли "махсус схема"* очиб берилди. Шунга кўра, юқоридаги тизимли қонун бузилиши ҳолатига барҳам бериш, ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилиши ҳамда натижадорлигини таъминлаш мақсадида ер майдонларини қисқа вақт ичида тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва "UZKAD" дастурига киритилишини таъминлаш ҳамда прокуратура органларига мазкур тизимдан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш таклиф этилди.

30. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли пунктлари, саноат ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, ўрмон, сув фонди ва захира ерларига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда:

– қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишларини ўз вақтида ва тўлиқ аниқлаш;

– ер соҳасида қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш;

– аниқланган қонун бузилишларини бартараф қилишни ҳақиқатда таъминлайдиган комплекс ҳуқуқий таъсир чораларини зудлик билан қабул қилиш, шунингдек айбдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш;

– ер фонди ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш, уни баҳолаш ва прогноз қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги асослантирилди.

31. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини иккиламчи ижарага беришга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда:

– иккиламчи ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида келиб тушган мурожаатлар ва уларни келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқилганлиги;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун экиндан бўшаган (оралиқ қишлоқ хўжалиги экинларини экиш мақсадида) ва инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида фақатгина фойдаланишга киритилган ерлар (туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг ижобий хулосасига кўра) иккиламчи ижара асосида берилганлиги, бунда шартномалар белгиланган тартибда иккиламчи ижара шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;

– иккиламчи ижарага бериш шартномаларини иккиламчи ижара шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун ваколатли органга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилганлиги (бунда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахслар мустасно);

– ер участкаларни иккиламчи ижарага бериш борасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонунийлиги, бунда хулосада рад этиш асослари аниқ ва тўлиқ кўрсатилганлиги;

– ер участкаларни иккиламчи ижарага бериш борасидаги шартномаларни муддатидан олдин бекор қилиниш ҳолатлари, бунда ижарага олувчи ва ижарага берувчи томонидан қонунчилик талабларига қатъий риоя этилганлигини ўрганишга асосий эътиборни қаратиш лозим.

32. Ер муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ихтисослашган *“ProLand-Nazorat” ягона рақамли назорат платформаси*ни яратиш таклиф этилди. Мазкур платформанинг асосий функциялари ер участкалари бўйича автоматик ҳуқуқий таҳлил ўтказиш, сунъий йўлдош тасвирлари асосида ноқонуний қурилишларни аниқлаш, ер майдонларининг мақсадли фойдаланилишини автоматик мониторинг қилиш, давлат органлари қарорларининг қонунийлигини электрон текшириш, хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларни рейтинг асосида шакллантириш, прокурорларга автоматик таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш, ҳуқуқбузарликлар динамикасини харита кўринишида акс эттириш ҳисобланади.

33. Судларда маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик ишлари кўрилишида иштирок этадиган прокурорларнинг иш ҳажми ўта юқорилиги, бу эса уларнинг ўзлари иштирок этаётган ишларда самарадорликка эришишига тўсқинлик қилаётганлиги боис, давлат ва жамоат манфаатлари билан боғлиқ бўлмаган ишларда прокурорнинг мажбурий иштирок этиши ҳақидаги талабларни камайтириш ҳамда судда қатнашувчи прокурорлар сонини ошириш зарур, деган хулосага келинди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/2025.27.12 Yu.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ПРАВООХРАНИТЕЛЬНАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АБДУХАКИМОВ МУРОДУЛЛО ТОГАЕВИЧ

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ЗЕМЛЕ

12.00.07 - Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация деятельности правоохранительных органов. Адвокатура

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент - 2026 год

Тема диссертационной работы доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Академии наук Республики Узбекистан за №B2024.1.DSc/Yu291.

Диссертация выполнена в Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.proacademy.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**Мамасиддиков Музаффаржон Мусажонович** доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Холмуминов Жуманазар Тоштемирович** доктор юридических наук, профессор
	Махмудов Алишер Абдусалимович доктор юридических наук, и.о. профессора
	Сафаров Жахонгир Исмоилбекович доктор юридических наук, профессор
Ведущая организация:	**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится 25 ноября 2026 года в 10:00 на заседании Научного совета DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан (Адрес: 100190, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Рихсилий, д. 9. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрирована под № 105). (Адрес: 100190, Юнусабадский район, ул. Рихсилий, д. 9. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Автореферат диссертации разослан 13 ноября 2026 г.
(протокол реестра рассылки № 24 от 13 ноября 2026 г.)

М.А.Аминжанова
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Х.А.Кучкаров
Научный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

А.С. Одинаев
